# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Борис Ельцин журналистларга Президентлар Ўзбекистон ва Россия ўртасида 10 йиллик муддатга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ва шунга мувофиқ ҳаракат дастурини тузишга келишиб олганини маълум қилди. У жорий йилда Борис Ельциннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланади.

Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама комиссияларнинг мавқеини оширишга ҳам келишиб олинди. Энди бу комиссияларни ҳукумат бошлиқлари бошқаради.

Биз Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат ташрифи ниҳоят амалга ошганидан хурсандмиз, деди Борис Ельцин. Бу бизлар учун ҳам, сизлар учун ҳам жуда муҳим ва зарур эди. Ўзбекистон—Россия алоқалари яна ҳам яқин ва мустаҳкам бўлиши керак. Чунки Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ўрни, мавқеи, қўшни давлатларга таъсири нечоғли катта эканлигини биз яхши биламиз.

Ислом Каримов кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиром учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон ҳамиша тенг ва ҳар томонлама алоқалар тарафдори эканлигини таъкидлади.

Президентимиз ўша куни Россия Федерацияси ҳукумати раиси С.Кириенко билан учрашди. Икки давлат делегацияларининг музокараларидан сўнг бир неча ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

Россия Иқтисодиёт Академияси мамлакатдаги етакчи илм масканларидан ҳисобланади. У 1907 йилда ташкил этилган. Академия таркибида бир нечта институт, ўнлаб ўқув-машғулот марказлари, лабораториялар, кафедралар мавжуд. Бу ерда юздан ортиқ профессор, 500 дан кўпроқ фан номзоди меҳнат қилади.

Ўтган йили мамлакатимиз раҳбари бу академиянинг фахрий доктори этиб сайланган эди. Ислом Каримов академияга ташриф буюриб, илмий кенгаш аъзолари билан учрашди. Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўли, бозор иқтисодига ўтишнинг беш тамойили, кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган Миллий дастур ҳақида сўзлади.

Россия иқтисоди, фани ва маданиятида Москва шаҳрининг ўзига хос ўрни бор. Мамлакатимиз Президенти сафарнинг учинчи куни Москва шаҳри мэри Ю.Лужковни қабул қилди. Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган суҳбатда Москва шаҳри ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди. Ислом Каримов Москва мэри ҳамроҳлигида Манеж майдонидаги "Охотний ряд" савдо мажмуини бориб кўрди. Москванинг 850 йиллиги тантаналари арафасида ишга туширилган бу мажмуа Россия пойтахтининг ер остида жойлашган энг катта савдо маскани ҳисобланади. Умумий майдони 69 минг квадрат метрни ташкил этадиган уч қаватли бинода 26 та ресторан, 100 дан зиёд дўкон, турли хил хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган.



Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалар сўнгги йилларда изчил ривожланмоқда. Ўтган йилда икки давлат ўртасида маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1 миллиард 600 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзбекистон Россиянинг маъмурий ҳудудлари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатиш тарафдори. Яқинда Свердловск вилояти билан савдо-сотиқ соҳасида ҳамкорлик тўғрисида бир нечта ҳужжат имзоланди. Лекин булар катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган Россия ва Ўзбекистон учун етарли эмас. Россиялик тадбиркорлар Ўзбекистондек бой бозорни унутиб қўйишаётир. Президент Ислом Каримовнинг "Президент-отел"да Россия ишбилармон доиралари вакиллари билан бўлган учрашувида ана шу фикр алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, чет эллик ишбилармонлар учун яратилган имкониятлар ҳақида сўзлаб берди. Россиялик ишбилармонларни Ўзбекистон темир йўлларини электрлаштиришда, қоғоз ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришда, Жиззах вилояти ҳудудида халқаро радиоастрономик обсерватория қуришда ва бошқа ўнлаб лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорликка чорлади.

— Ўзбекистонда ҳозир 350 дан ошиқ Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси бор, — деди И.Каримов. — Бу Россиядек катта давлат учун жуда оз. Ваҳоланки, чет эл инвестицияси учун бизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Учрашувда сўзга чиққан етакчи ишбилармон Аркадий Волский россиялик ишбилармонлар келажакни ўйлаб иш кўрадиган бўлса, собиқ иттифоқ ҳудудидаги бозорлардан, хусусан Ўзбекистондек бой мамлакат бозоридан ҳам кўпроқ ўрин эгаллашга интилмоғи лозим, деди. Зеро, давом этди у, бозор ҳеч қачон бўшаб қолмайди, уни биров тарк этса, бошқа биров дарров кириб келади. Бу эса Россия иқтисодиётига жиддий зарар келтириши мумкин.

Ўзбекистон самолётсозлик соҳасида нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида, балки жаҳонда ҳам ўз ўрнига эга. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилаётган юк ташувчи ва йўловчи самолётларга талаб катта. Лекин вақт уларни янада такомиллаштиришни, замонавийлаштиришни тақозо этмоқда. Бу соҳада С.Илюшин номидаги авиация мажмуи билан яқин алоқа ўрнатилган. Президент Ислом Каримов Россияга сафари чоғида мазкур авиакорхонада бўлди. 1933 йилда атоқли авиаконструктор С.Илюшин томонидан ташкил этилган бу мажмуада шу кунгача 60 мингдан кўпроқ самолёт ишлаб чиқарилган.

Бош конструктор Г.Новожилов мамлакатимиз раҳбарига корхона цехларида тайёрланаётган самолётларни кўрсатди. Шунингдек, у Ислом Каримовга Илюшин давлатлараро авиация корпорациясини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Бу корпорация таркибига С.Илюшин номидаги авиация мажмуи, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Воронеж авиация заводини киритиш мўлжалланмоқда.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Россияга давлат ташрифи якунланди. У ниҳоятда самарали бўлди.

Шу ўринда яна бир воқеа эсга тушади. Бундан бир ҳафта бурун Москвада бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарлари учрашувида ҳам Президентимизнинг иқтисодий алоқаларни кучайтириш, МДҲни ҳар қандай сиёсий тузилмалардан холи қўйиш ғояси тан олинган эди. Булар бари мамлакатимизнинг ва юртбошимиз Ислом Каримовнинг обрў-эътибори дунё миқёсида ортиб бораётгани, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бутун жаҳонда кенг эътироф этилаётганининг яққол исботидир.

Россияга сафар чоғида Ислом Каримовга Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В.Голишев, У.Исмоилов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, В. Чжен, ташқи ишлар вазири А.Комилов, молия вазири Ж. Сайфиддинов, адлия вазири С.Мирсафоев, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент-Москва-Тошкент

**СУРАТЛАРДА: расмий ташриф пайти.**
**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

7.Томонлар Тожикистоннинг ҳуқуқий, демократик, дунёвий давлат қуриш йўли бўйлаб илгари боришига принципиал содиқликларини ифода этдилар. Москвада 1997 йил 27 июнда бу мамлакатда тинчлик ва миллий тотувлик ўрнатиш тўғрисида Умумий битим имзолангандан кейин Тожикистондаги миллий муроса сари силжиш мамнуният билан таъкидланди. Шу билан бирга Ўзбекистон ва Россия Умумий битимнинг кафолат берувчи давлатлари сифатида тожиклараро келишувлар, биринчи навбатда, реинтеграция, қуролсизланиш ва бирлашган тожик мухолифатининг қуролланган ҳарбий қисмларини тарқатиб юбориш масалалари келишилган жадвалдан сезиларли даражада орқада қолиш билан бажарилаётганидан ташвишланаётганларини ифода этдилар.

Тожикистондаги тинчлик жараёнининг иштирокчиларини улар томонидан олинган мажбуриятларни сўзсиз ва аниқ бажаришга чақириб, Ўзбекистон ва Россия Умумий битимни тўла ва ўз вақтида бажариш мақсадида ўзаро ҳаракатни икки томонлама асосда ва халқаро саъй-ҳаракатлар, жумладан, БМТ ва ЕХҲТ доирасида жадаллаштириш зарур, деб ҳисоблайдилар.

8. Томонлар Афғонистондаги хавфли вазиятдан жиддий ташвишларини ифода этдилар. Диний экстремизм ва терроризмнинг тарқалиши, қурол ва наркотиклар контрабандасининг ўсиши, қочоқларнинг кўпайиши хавфини туғдирадиган бу мамлакатдаги кескинликнинг янада ўсиши минтақа давлатларининг миллий манфаатларига ва хавфсизлигига таҳдид қилади.

Афғонистонда БМТ ҳомийлигида ва манфаатдор давлатларнинг фаол кўмагида қарама-қарши томонлар ўртасида конструктив мулоқот ўтказиш, аҳолининг барча этник, конфессионал гуруҳлари ва сиёсий кучларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда кўп вакиллар иштирокидаги ҳукумат тузиш орқали тинчликка эришилади.

Ўзбекистон ва Россия бир-бирининг ташаббус ва саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, афғон гуруҳлари томонидан БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциялари бажарилишига, чўзилиб кетган зиддиятнинг дарҳол тўхтатилишига биргаликда эришишга ҳаракат қиладилар.

9. Президентлар И.А.Каримовнинг Россия Федерациясига анъанавий дўстлик ва ўзаро тушуниш руҳида ўтган давлат ташрифининг мазмуни ва якунларидан қониқиш ҳосил қилганларини билдирдилар. Улар ташрифнинг Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлардаги алоҳида воқеа сифатидаги муҳим аҳамиятини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Россия Федерацияси Президенти Б.Ельцинни Ўзбекистонга расмий ташриф буюришга таклиф қилди. Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди. Ташриф муддатлари қўшимча равишда келишилади.

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ** | **Россия Федерацияси Президенти Б. ЕЛЬЦИН** |

Москва, 1998 йил, 6 май

## ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

# ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ, БИРОҚ...

**Мустақилликнинг еттинчи баҳори остона ҳатлади. Истиқлол оғушида яшаётган инсон учун ҳар бир кун, сония масъулият ҳисси билан ўтмоқда. У кеча нимага эришди-ю, бугун нима бўлади, эртага нима қилиш керак, деган хаёллар билан банд. Вақт унинг учун шунчаки тез ўтувчи нарса эмас – олий тушунча – юксак мантиқий мезон.**

**Биз бу сўзларни бежиз келтирмадик. Ўтаётган етти йил биз учун салоҳиятли бўлди. Бу тарихан жуда қисқа давр. Лекин эришилган ютуқлардан диёнати бутун ҳар бир киши ҳайрат ёқасини ушлайди. Ҳа, ютуқлар бизники, аммо камчиликлар-чи?**

Бугунги ислоҳотлар даврида қўлга киритилган ижобий натижалардан фахрланишга ҳақлимиз. Лекин ислоҳотларда юз бераётган эътиборсизликлардан ҳам кўз юммаймиз. Улар ҳам талайгина.

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг ўтган йилги натижаларига назар ташласак, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермаларда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар яққол кўриниб туради.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, бу соҳада жорий қилинган ислоҳотлар ўз самарасини берди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги «Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва 1995 йил 24 мартдаги «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари бажарила бориб, республикада шу йилнинг 1 январь ҳолатигача жами 489 та ҳиссадорлик жамияти, 403 хусусий ферма ва чорвачиликка ихтисослашган 8303 та фермер хўжалиги ташкил этилган. Республикада етиштирилаётган жами гўштнинг 98,8, сутнинг 99,6 фоизи хусусий секторга тўғри келмоқда. Мулкчиликка бўлган муносабат ўзгармоқда. Хусусий фермаларда ва тадбиркорлик билан иш юритилаётган илғор фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришда ижобий натижаларга эришилган.

Бундай кўрсаткичларга эришиш қувонарли, албатта. Аммо бундан кўзланган мақсад шумиди, деган савол туғилиши мумкин.

Текширишлар шундан далолат берадики, жойларда юқорида келтирилган ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишида кўпгина хатоларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Кўпгина туманларда хусусийлаштирилган ферма ва фермер хўжаликлари ҳуқуқлари паймол этилганлиги, қолоқ хўжалик раҳбарларининг фермер хўжаликларининг даромад ва фойдаларига кўз олайтираётгани ва ўзаро тузилган шартномаларнинг бажарилмаётганлиги аниқланди.

Бир қатор вилоят ва туман ҳокимликлари жамоа хўжалиги тасарруфидан чиқарилган фермаларнинг кейинги фаолиятига қизиқмаётганлиги, эътиборсиз қараётгани кўзга ташланиб қолмоқда. Озуқа учун ер майдонлари ажратиш, ёнилғи- мойлаш материаллари, техника, асбоб-ускуналар ва механизация воситалари етказиб бериш каби шартнома шартларини бажаришдан ўзларини четга олмоқдалар. Бунинг натижасида вилоят ва туманларда қорамол бош сонлари ва уларнинг маҳсулдорлиги кескин камаймоқда. Республикамизнинг Олтинсой, Зафаробод, Бухоро, Бекобод, Ш. Рашидов, Арнасой, Пахтакор, Китоб ва Қўшкўпир туманларида қора моллар 67-68 фоизгача камайиб кетган. Қумқўрғон туманидаги «Туямўйин», «Қарсакчи», «Буйрачи» ва «Писта» ҳиссадорлик жамиятларида бир йилнинг ўзида 2395 бош қорамолдан 1756 таси ёки 75 фоизи чиқим қилинган.

Гўшт ва сут ишлаб чиқаришда ҳам орқага чекиниш рўй берди. Ўтган йилга нисбатан республиканинг хусусийлаштирилган фермаларида гўшт ишлаб чиқариш (тирик вазнда) 7,5 минг тонна ёки 13 фоизга камайди. Бу кўрсаткич Тошкент, Сирдарё, Наманган ва Самарқанд вилоятларида 47-73 фоизни, сут етиштириш Жиззах, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида 39-55 фоизни ташкил этади.

Хўш, бунинг сабаблари нимада?

Маълумки, хусусийлаштирилган фермалар ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида республика ҳукуматининг бир қатор қарорлари қабул қилинган эди. Аммо жойларда бу қарорларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаётгани маълум бўлди. Мазкур қарорларга асосан давлат тасарруфидан чиқарилган фермалар ва фермер хўжаликларида ҳар бир шартли молга 0.30-0.45 гектардан ер ажратиш топшириғи пайсалга солиб келинган. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари фермер хўжаликларида озуқа етиштириш учун 0,45 ўрнига 0,12-0,32 гектар, Самарқанд, Навоий, Хоразм вилоятларида эса 0,30 ўрнига 0,16-0,23 гектар ер майдони ажратилган. Қонликўл, Нукус, Бувайда, Бекобод, Жомбой, Оқдарё, Ҳазорасп, Хонқа, Янгиариқ ва Зарбдор туманларида эса хусусийлаштирилган фермаларга умуман ер майдони ажратиб берилмаган. Ер майдони ажратиб берилган хусусийлаштирилган фермалар ва фермер хўжаликлари фаолиятига четдан аралашиш ҳоллари юз берган. Сурхондарё (шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиги уюшмаси таркибидаги чорвачиликка ихтисослашган 86 та фермер хўжалигига 885 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, уларнинг 93 фоизига пахта ва ғалла экинлари экилган), Хоразм вилоятларида ана шундай ҳолатни учратиш мумкин.

Вилоят ва туман ҳоким-ликлари бу соҳага жиддий эътибор билан қарашмаяпти. Ёки улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳсулдорликни ошириш учун ишлаб чиқарувчига кўмак бериш ва унинг ҳуқуқий фаолиятини таъминлаш кераклигини билишмайдими? Тан олиш керак, ҳануз жойларда ишга эскича ёндашиш, эскича услуб сақланиб қолган. Йўқса, чорвачиликдек муҳим соҳага бундай муносабатда бўлишмас эди. Президентимиз ҳам айнан шу соҳага урғу бериб, шундай деган эди: **«Шунга аминманки, фермер ва деҳқон хўжаликларига, энг аввало, чорвачилик... маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга том маънода, эркинлик берсак, улар мамлакатни ҳам тўйғазади, ўз маҳсулотини хорижга ҳам сотади».** Хусусийлаштирилган фермалар техникалар билан етарли даражада таъминланмаганликлари оқибатида уларнинг аксариятида пахта ва ғалла ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш топшириқлари бажарилмай қолган.

Мулк ўз эгасини топмаганлиги фермер хўжаликларининг тугатилишига, мулкни талон-тарож қилишга олиб келган. Биргина 1997 йилнинг ўзида республика бўйича 1177 та деҳқон (фермер) хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатган. Жумладан, Жиззах вилоятида 330 та, Хоразм вилоятида 151 та, Навоий вилоятида эса 130 та фермер хўжалиги тугатилди. Қумқўрғон туманидаги 6 та қорамолчилик фермаси 24 та харидорга тақсимлаб сотилган. Оқибатда харид қилинган 1619 бош қорамолдан бирорта ҳам қолмаган.

Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин?

Президентимиз бу масалага ҳам аниқлик киритиб, шундай деган эди: **«Агар қаердадир қонун талаблари ва меъёрларига риоя қилинмаган ҳолда нафсиёти бизга номақбул бўлган фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлса, бунинг учун биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият раҳбарлари жавоб бериши керак».**

Айни пайтда фермерларнинг манфаатдорлиги ҳам тўлиқ таъминланмай келинаётир. Аксарият чорва фермерлари ўзлари етиштирган маҳсулотларнинг ҳақини ололгани йўқ. Бунинг оқибатида ишчиларга ойлик маоши тегмаяпти, хўжаликнинг моддий-техника базаси заифлашиб қолмоқда. Жумладан, «Гулистонсут» ҳиссадорлик жамияти 1997 йилда 6,3 минг тонна сут тайёрлашга шартнома тузган. Ҳақиқатда эса 1,8 минг тонна сут қабул қилиб олган. Хусусийлаштирилган фермалар ва деҳқон хўжаликларидан сут маҳсулотлари учун 1,5 миллион сўм қарздор (шундан 1 миллион сўмдан кўпроғи муддати ўтган қарзлардир). «Андижонсут» ҳиссадорлик жамияти 1998 йил январь ҳолатигача хусусийлаштирилган ферма ва деҳқон (фермер) хўжаликларидан 4442 минг сўм қарз бўлиб қолган. «Бухоросут» ҳиссадорлик жамиятида эса бу кўрсаткич 9.5 миллион сўмни (шундан 1.7 миллион сўми муддати ўтган қарзлардир) ташкил этади.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси таркибига кирувчи деҳқон(фермер) хўжаликлари 1996-1997 йилларда топширган пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун турли корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлардан 608,6 млн. сўм маблағларини ҳанузгача ололмаганлар. Айниқса, Сурхондарё вилоятида дон учун қарзлар миқдори 79,6 млн. сўмни ташкил этган. Бу кўрсатгич пахта учун Жиззах вилоятида деярли 220 млн. сўм, Самарқанд вилоятида 28,3 млн. сўм, Тошкент вилоятида 17,4 млн. сўм ва Бухоро вилоятида 17 млн. сўмданлиги аниқланган.

Хулоса қилиб айт-ганда, иқтисодий ислоҳотлар йўлига ғов бўлаётган совуққонлик ва эътиборсизлик каби иллатлар мутасадди раҳбарлар фаолиятида ҳамон учраб турибди. Хўжалик ва ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг ўз вақтида ишламаслиги ҳам баъзи раҳбарларнинг масъулиятсизлигидан далолатдир. Ваҳоланки, иқтисодий (ҳамма соҳада ҳам) муносабатлар бундай «пойдевор»лар устига қурилмаслиги керак. Акс ҳолда бундан ҳар икки томон ҳам панд еб қолиши, шубҳасиз.

**К. ЖЎРАЕВ,**
**Б. АБДУСАТТОРОВ.**

# ЧИН ДЎСТ ОҒИР КУНДА БИЛИНАДИ

**Тожикистондан ташвишли хабар келди: сўнгги кунлари ёққан кучли ёмғир селга айланиб, Хатлон вилояти ва тоғли Ғарм тумани ҳудудида тўрт ярим мингга яқин турар-жой зарар кўрди, кўплаб оила бошпанасиз қолди. Вилоят ҳокимлиги вакилининг айтишича, мол-мулки, озуқаси, кўрпа-тўшагидан айрилган йигирма мингдан ошиқ киши дала шийпонлари, мактаб ва чодирларда истиқомат қилиб турибди. Уларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун ҳам маблағ етишмаяпти.**

Чин дўст оғир кунда билинади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг топшириғи билан Тожикистоннинг табиий офатдан зарар кўрган ҳудудларига шошилинч инсонпарварлик ёрдами ҳозирланди.

Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё темир йўл вокзалида озиқ-овқат, кийим-кечак, чодирлар, ёқилғи, қурилиш ашёлари ортилган тўққиз вагон юк тожикистонлик вакилларга топширилди. Пештоқида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турган поезд Тожикистон томон йўл олди.

Тожикистон ҳукумати қошидаги Фавқулодда вазиятлар қўмитасининг раиси Акмал Бобоевнинг айтишича, табиий офат юз берган ҳудудлардаги йўл ва кўприклар ҳам жиддий зарар кўрган. Зудлик билан чора-тадбир кўрилмаса, санитария-эпидемиологик вазият кескинлашиб кетиши мумкин — олди ёз. Ҳукумат жабр кўрганларга ёрдам бериш учун имкон даражасидаги барча чораларни кўрмоқда. Лекин республиканинг иқтисодий аҳволи ночор бўлгани боис жабрдийдаларга кенг кўламли ёрдам кўрсатишнинг иложи оз. Шунинг учун ҳам оғир вазиятда яна биринчи бўлиб мадад қўлини чўзган Ўзбекистон ҳукумати ва халқи кўрсатган ушбу инсонпарварлик ёрдамининг аҳамияти беқиёсдир, дейди у. Бирордар ўзбек халқидан, унинг доно Президенти Ислом Каримовдан миннатдорлигимизнинг яна бир боиси — биз Ўзбекистондан бундай инсонпарварлик ёрдамини биринчи бор олаётганимиз йўқ. Илгари ҳам мана шу станциядан юк ортилган кўплаб поездлар юртимизга қараб йўл олган. Халқимиз ўз вақтида берилган бундай ёрдамни ҳеч қачон унутмайди.

— Ўтган гал, бошига кулфат тушган Душанбе шаҳри ва Кўлоб вилояти аҳолисига инсонпарварлик ёрдамини жўнатаётганимизда уни қабул қилиб олган ҳамкасбимиз А. Бобоев ҳарбий кийимда, қурол-яроғ билан юрган эди, —дейди Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазири Р. Аҳмедов.— Бу сафар уни фуқаро кийимида кўриб хурсанд бўлдим. Демак, неча йиллардан буён биродаркушлик урушининг жабрини тортиб келаётган қўшни диёрда вазият изига туша бошлабди. «Қўшнинг тинч — сен тинч», дейди халқимиз. Бугун тожик биродарларимизга топширганимиз тўққиз вагонлик инсонпарварлик ёрдамини биз бир кунда йиғдик ва Сариосиёга етказиб келдик. Бу ёрдам — неча минг йиллик дўст-биродарлигимизнинг амалий натижаси.

Биз инсонпарварлик юкини топшириш пайтида Тожикистондан келган фуқаролар билан ҳам суҳбатда бўлдик. Уларнинг айтишича, боши кулфатдан чиқиши қийин кечаётган тожиклар диёрига сўнгги йиллари юк ортилган поездлар кўп келган. Аммо уларнинг аксарияти бугун мана бу поездлаги юкларга сира ўхшамасди. Бирида диний мутаассиблиқ, экстремизмни тарғиб қилувчи китоблар бўлса, иккинчисида биродаркушлик урушини рағбатлантиришга хизмат қилувчи қурол-яроғлар бўлган. Ўзбекистондан эса бизга фақат яхшилик, ёрдам ва нажот юки келади, дейишди тожик биродарларимиз.

***Мусулмон НАМОЗ,***
***ЎзА махсус мухбири.***

# ЯНГИ ГАЗ СТАНЦИЯСИ

Нукус туманининг Шўркўл қишлоғида соатига 10 минг кубометр табиий газни ўрта босимда истеъмолчиларга етказиб берадиган станция ишга туширилди.

Бу газ тақсимловчи иншоот «Газли – Нукус» табиий газ тармоғига уланган бўлиб, Нукус туманидаги кўпчилик хонадонларда қулайлик яратади.

***Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# 9 МАЙ — ҒАЛАБА КУНИ

## ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳар қанча эъзоз ва ҳурматта лойиқдир. Мамлакатимизда улар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Байрам арафасида Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси бошқарув кенгаши раиси Б.Раҳимов ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.**

— Асримиз вабоси — фашизм устидан қозонилган Ғалабага ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳисса қўшгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди,- деди Бектош Раҳимов. - Бу урушда юртимиздан қарийб 1,5 миллион киши қатнашди.

Ўша мудҳиш йилларда халқимиз ғалабани яқинлаштириш учун фронт ортида ҳам мардонавор меҳнат қилди. Республика корхоналари фронтга самолётлар, авиабомбалар, гранаталар, бошқа кўплаб ҳарбий анжомлар етказиб берди. Фронтга жўнатилган қурол-яроғнинг умумий ҳажми 218 минг тоннани ташкил этди. Шуларнинг барчасини уруш кетаётган жойларга етказиб бериш учун 12 мингта темир йўл вагони керак бўлди.

Фронтга озиқ-овқат, кийим-кечак ортилган ўнлаб темир йўл вагонлари жўнатилди. Заҳматкаш халқимиз ўша йилларда душман босиб олган ерлардан кўчириб келтирилган минглаб етим-есирларни ўз бағрига олди, бошпана берди. Ғалаба осонликча қўлга киритилмади. Унга миллионлаб қурбонлар эвазига эришилди. Машъум уруш туфайли биргина Ўзбекистонда камида тўрт юз минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг руҳи-покларини доимо хотирамизда сақлаб, сафимизда ҳаёт юрган мўътабар фахрийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Давлатимиз раҳбари уруш қатнашчилари ва ногиронлари, фронт орти фидойилари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Йўлбошчимизнинг куни-кеча матбуотда эълон қилинган "Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони фикримизнинг яна бир ёрқин далилидир. Ушбу Фармонга асосан 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалаба кунининг байрам қилиниши муносабати билан уруш иштирокчилари моддий рағбатлантирилди.

Бугунги кунда уруш қатнашчилари ва фахрийларимиз Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий ифтихор, ота-боболаримизнинг шонли жанговарлик анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўз навбатида, жамғармамиз, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари уруш қатнашчилари, ногиронларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Урушда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида талай ишлар қилинди. Хусусан, 33 жилдлик Хотира китобининг нашр этилиши мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Урушдан қайтмаган тўрт юз эллик минг ҳамюртимиз ҳақидаги бу Хотира китоблари фақатгина бизнинг Ўзбекистонимизда чиқарилди.

Байрам арафасида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Урушда асирга тушиб қолган ва ҳамон "асирга тушган" тамғаси сақланиб қолган кишиларнинг тақдирини ўрганиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозиргача 3 минг кишидан бу тамға олиб ташланиб, уруш қатнашчиси гувоҳномаси берилди. Бу ҳам уруш қатнашчиларига бўлган ҳурмат-эҳтиромимиздан далолатдир.

**Т.БОТИРБЕҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

*Ниҳоясига етаётган ХХ аср фан-техника, тараққиёт асри бўлиши билан бирга иккита жаҳон урушини бошидан кечирган юз йиллик сифатида ҳам тарих саҳифаларига киради. Айниқса, миллион-миллион кишилар ёстиғини қуритган 1941-1945 йиллардаги уруш отасиз қолган гўдаклар ноласида, бутун инсоният қалбида ўчмас доғ бўлиб қолди.*

*Бугунги тинч, осойишта кунларга етишишимизда ўша суронли йилларда оталаримиз, акаларимиз кўрсатган қаҳрамонликлардан фахрланишга тўла ҳақлимиз.*

*Ғалаба куни муносабати билан «Н» ҳарбий қисмимизда Миробод туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тантанали йиғилиш ва байрам шодиёналари бўлиб ўтди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси туман бўлими вакиллари иштирок этишди. Тантаналар икки авлод — ҳарбий фахрийлар ва ҳозирда хизматни ўтаётган аскарлар ўртасидаги самимий суҳбатдан бошланди. Аскарларимиз фахрийларнинг суронли йиллар ҳақидаги жанговар ҳикояларини мароқ билан тингладилар.*

*«Камолот» жамғармаси Миробод туман бўлими томонидан уюштирилган театрлаштирилган томошалар ва концерт дастурлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.*

**Мурод ҲАКИМОВ,**
**прапоршик.**

**Атоқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновнинг улкан илмий ижодий фаолияти ҳозирги адабиётимизнинг ўзига хос саҳифаларини ташкил этади. У адабий тадқиқотчилигимизда ҳамон ўз қадр-қимматини тўла-тўкис сақлаб келаётган юксак мезонларни олиб кирди: бадиий ижоднинг ҳал қилувчи омили бўлган ёзувчининг истеъдодига, бадиий маҳорат муаммоларига асосий диққат-эътиборини қаратди ва адабиёт майдонида ўз касбини заргарлик билан эгаллаган маҳоратшунос олим сифатида довруқ қозонди.**

**Унинг адабиёт тўғрисидаги сўзида ажойиб бир фазилат бор. М. Қўшжонов мақолалари ва китобларининг тили — тайёр ва чигал илмий-назарий қоидалар тили эмас, балки истеъдодни англаш, бадиий маҳорат сирларини илғаш, образли тафаккурнинг жозибасини таҳлил этиш, изланиш ва кашфиётлар тилидир. ХХ аср ўзбек адабиёти намояндалари тўғрисида тадқиқотлар кўп. Уларнинг аксарияти бугун эскириб, осори-атиқага айланиб қолди. Лекин М. Қўшжоновнинг Абдулла Қодирий ва Садриддин Айний, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор, Шуҳрат ва Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ва Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев ва Ўткир Ҳошимов каби нурли истеъдод соҳиблари ижодини чуқур адабий эстетик таҳлилдан ўтказган китоблари ҳамон ўз қимматини ва оҳорини кечагидай сақлаб турибди. Ўз вақтида Ойбек, Абдулла Қаҳҳордай улуғ адибларимиз бу олимнинг мустақил, ҳалол адабий-танқидий қарашлари ва фикр-мушоҳадаларига юксак эҳтиром билан муносабатда бўлган эдилар.**

**Дадил айтиш мумкинки, адабиётшунослик ва адабий танқидда М. Қўшжонов ўзига хос йўналиш, мактаб вужудга келтирди. 60-йилларда ва ундан кейин адабий-илмий тафаккур майдонига кирган кўпгина ёшлар айнан шу йирик олимнинг йўлидан бориб, М. Қўшжонов кашф этган бадиий-эстетик таҳлил йўналишида янги имкониятларни очдилар.**

**Муҳтарам олим катта ҳаётий йўлни босиб ўтди. Уруш, очарчилик, собиқ тузумда халқимизнинг тарихий ва миллий қадриятлари бадном этилганликларини ўз кўзи билан кўрди. Ниҳоят мустақиллик замонида яшаш бахтига муяссар бўлди. Мана шу улкан ҳаётий тажриба катта олимимизни бошқа адабий жанрларда ҳам қалам тебратишига олиб келди. Унинг кейинги йилларда ўқувчиларга тақдим этилган «Алам», «Дагиш», «Дийдорнома» деб аталувчи уч китобдан иборат тарихий-биографик бадиалари салмоқли мазмуни, теран маънавий ва маърифий аҳамияти билан диққатни ўзига тортади.**

**Бугун 80 ёш довонига кўтарилган собиқ жангчи, улкан олим, адиб ва публицист М. Қўшжонов айни кунларда ҳам ҳавас қиларли бир ижодий куч-қувват кўрсатиб меҳнат қилмоқда.**

**«Халқ сўзи» газетаси саҳифаларида М. Қўшжоновнинг мамлакатимиз мустақиллигидан илҳомланиб яратилган бир неча долзарб тафаккурли публицистик мақолалари эълон қилинди. Яқинда у таҳририятимизга ўзининг яна бир кичик ҳажмли, аммо теран ўйлар билан суғорилган публицистик мақоласини олиб келдики, биз уни газетхонларимизга мамнуният билан тақдим этамиз.**



## ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК — КАТТА ДАВЛАТ

Иккинчи жаҳон уруши... Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, унинг бошига сонсиз-саноқсиз оғир кулфатлар тушган. Бироқ, 1941-1945 йилларда рўй берган иккинчи жаҳон уруши сингари оғир йўқотиш ва емирилишлар тарихда кўрилмаган. Дунё миқёсида бу уруш оқибатида юз берган қурбонлар ҳақида ҳар хил рақамларни айтишади. Менинг тасаввуримда, бу рақамлар 100 миллиондан кам эмас. Чунки бу қирғин дунёнинг қарийб ҳамма бурчагида — Ғарбу Шарқда, Шимолу Жанубда барча мамлакатларни ўз қаърига тортган. Гап фақат тирик йўқотишларда эмас. Ўн минглаб қишлоқлар, минглаб шаҳарлар ер билан яксон қилинди. Инсоният ақл бовар қилмайдиган кўргиликларни бошдан кечирди, мудҳиш жиноятларга дуч келди, ашаддий ёвузликларга юзма-юз турди... Шу оғир жангларнинг иштирокчиси сифатида хаёлимда муҳрланиб қолган ўша қора кунларнинг аянчли манзараларини унутолмайман.

Баъзи маълумотларга қараганда, бизнинг Ўзбекистондан қарийб 2 миллион сара йигитларимиз урушга сафарбар қилинган. Улардан 1 миллионга яқини туғилиб ўсган ўз қадрдон даргоҳини қайта кўролмадилар. Чет мамлакатларнинг бегона тупроқлари оғушида қолиб кетди улар. Ўзбекистоннинг 1945 йил 9 май кунидаги ғалабага қўшган ҳиссаси фақат шу билан ўлчанмайди. Урушнинг узоқ орқаси сифатида республикамиз ва ўзбек халқи бу ғалабага мисли кўрилмаган улушини қўшди. Жимитдай ўқ-дорилардан баҳайбат тўпу самолётгача фронтга ўзбек номидан борди. Бундан ташқари, вагон-вагон мева-чева, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармонлар ҳам етказиб берилди. У вақтларда ўзбек пахтаси ва ипаги эса ҳаёт учун ҳам, фронт учун ҳам хомашёнинг энг зарурларидан зарури эди. Бунинг устига, собиқ СССРнинг марказий шаҳарларидан кўчирилган зиёлилар — олиму ёзувчи ва санъаткорларнинг истиқомати ва таъминоти Ўзбекистон зиммасига тушди. Шунингдек, беадад сонли етим-есирлар, қариялар бу заминдан ўзларига бошпана топдилар. Булар ҳақида қанчадан-қанча тадқиқот ишлари, бадиий асарлар яратилганлигини ҳам эслаб ўтиш жоиздир.

Иккинчи жаҳон уруши деб аталмиш бу жангу жадалда тез-тез айтилиб туриладиган бир ашула бор эди: «Кенг ва бепоёндир менинг Ватаним». Бизнинг қалбимиздаги Ватан тушунчаси эса узоқ-узоқларда қолиб кетган, номигагина мустақил республика деб аталган Ўзбекистон билан пайваста эди. Унинг тинчлиги, дахлсизлиги биз учун ҳамма нарсадан азиз эди. Биз сарҳадлар ошиб, уруш олови ўша она заминга сапчимаслиги учун бор қатъиятимизни ишга солиб курашганмиз. Мен олис ва қонли жанг марраларида юрган ҳамда ана шундай ўйлар ва туйғулар билан яшаган минглаб, миллионлаб ўзбекларнинг бири эдим. Ҳар лаҳза ва ҳар дақиқа туғилиб ўсган жойимнинг табиати — неъматларига шарбат бағишлайдиган қуёши, жазирама иссиқларда танга роҳат бағишлайдиган сувлари, ҳар қаричида бир авлиё ётган муқаддас тупроқлари доим хаёлимда турарди.

Энди Ўзбекистон деб аталган Ватанимизнинг бугунги манзарасига назар ташлайман. Мана, еттинчи йилдирки; республикамиз Истиқлолга эришиб, мустақил равишда қадам ташлаяпти. Юзлаб мамлакатлар билан бевосита алоқа боғланди. Дунё миқёсида республикамизнинг ўзига хос фахрли ўрни бор эканлигини бугун ҳеч ким инкор қила олмайди— дўст ҳам, душман ҳам. Халқимиз келажакда, юқори даражада тараққий этган қудратли мамлакатни барпо этиш йўлида шаҳдам қадамлар ташлаяпти. Бугун баъзи бир иқтисодий қийинчиликлар ҳам, ҳаётни қайта қуриш мушкулликларидан ҳам собитқадам халқимиз матонат билан чиқади. Тўғри, республикамизнинг бугунги куни осонлик билан қўлга киритилган эмас. Ҳаётимизнинг тинч-тотувлиги қил устида турган пайтлар бўлди. Бунинг учун Фарғона, Паркент, Ўш воқеаларини эслашнинг ўзи кифоя. Халқимизнинг бирдамлиги ва республика раҳбариятининг донолиги билан бу қалтис пайтларни орқада қолдирдик. Ҳа, бугун ҳам ҳамма ишлар хамирдан қил суғургандек силлиқ битаётгани йўқ. Чунки атрофимизда, ҳусусан ён қўшнимиз Афғонистон, Тожикистонда ҳамон хунрезликлар давом этяпти. Нотинчлик кўп йиллардан бери Қофқоз ҳудудида ҳам босилмаяпти. Шундай бир пайтда оғир уруш майдонларида жон олиб жон берган кунларим эсимга тушади.

Мен тангрига чексиз шукурлар айтаманки, республикамиз ниҳоятда оғир кунлардан омон-эсон ўтди. Бу ишларда тинч-тотув яшашга ва яратувчи меҳнат билан шуғулланишга жазм қилган халқимиз ҳамда уни одилона бошқараётган Президентимизнинг роли беҳад каттадир.

Тинчлик, осойишталик — катта давлат. Унинг қадрига етайлик.

**Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир-аъзоси.**

СПОРТ SPORT

## «ҲАВАС-98»



## БИЗНИ МАФТУН ЭТАСАН ТЕННИС...





Мана, пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортларида икки кун давом этган «Ҳавас-98» мусобақаси ҳам ортда қолди. Қизғин баҳслар унинг қатнашчилари маҳорати анча ошганлигини кўрсатди. Келишиб олинганидек, учрашувлар уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтганлар иккинчи, иккинчисидан ўтганлар эса учинчи босқичда иштирок этдилар.

Кортга йиғилган ишқибозларда мусобақанинг финал қисми катта таассурот қолдирди, десак хато қилмаган бўламиз. Сабаби, унда энг кучли рақиблар майдонга чиқдилар. Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ҳамда унинг мураббийси Т. Сагитовлар жуфтлиги билан В. Отаев ҳамда Х. Икромовлар учрашуви ҳаммани мамнун этди. Бунда А. Носиров командаси чиройли ўйин кўрсатган бўлсада, умумий натижаларга кўра мағлуб бўлди. Ушбу учрашув тугагач, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носировга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.



**— Азиз ака, бугунги ўйинларингиз жудаям чиройли бўлганлигидан қатъий назар, сизларга мусобақанинг финал босқичига чиқиш насиб этмади.**

— Буни спорт дейдилар. Кимдир ютади, кимдир ютилади. Енгилишимизнинг сабаби шуки, биз рақибларимизнинг имкониятини аниқ ҳисобга ола билмадик. Теннис шунақа ўйин — рақибингга нисбатан салгина беларво муносабатда бўлдингми, сўзсиз мағлубиятга учрайсан.



**—Энди ўзингиз раҳбарлик қилаётган Самарқанд шаҳрида теннисга бўлган муносабат хусусида ҳам бироз сўзлаб берсангиз?**

— Теннис бугун бизни бутунлай мафтун этмоқда. Ҳозир Самарқандда ҳам ёшлар ўртасида спортнинг ушбу турига бўлган муносабат жудаям кучли. Шу кеча-кундузда вилоятимиз бўйича 5 мингдан зиёд йигит ва қиз жиддий шуғулланишмоқда. Янги-янги кортлар қурилиб, ишга туширилмоқда. 1997 йил республика ёшлар спартакиадасида вилоятимиз теннисчилари фахрли иккинчи ўринни олдилар. Ишончим комилки, орадан икки-уч йил ўтиб, самарқандлик ёшлар халқаро мусобақаларда бемалол катта маҳорат билан қатнаша оладилар.



«Ҳавас-98» мусобақасининг иккинчи ярим финал баҳсида Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов ва унинг мураббийси Д. Дербенов жуфтлиги билан мамлакат Бош вазири ўринбосари М. Усмонов + Ф. Ғуломов жуфтлиги куч синашди. Унда Жабборов + Дербенов жуфтлиги 6/2 ҳисобида мағлубиятга учради.

Марказий кортда Усмонов + Ғуломов — Отаев + Икромов жуфтликлари. Ушбу учрашув бошидан то охирига қадар М. Усмонов билан Ф. Ғуломовларнинг маҳорати анча юқори эканлиги тўла сезилиб турди. Улар рақибларини асосан теннис коптокларини зарб билан йўналтириш борасида лол қилиб қўйдилар. Учрашув бир сетда ўтганлигидан қатъий назар, салкам ярим соат давом этди. Хуллас, теннис ихлосмандларини ҳаддан ташқари ҳаяжонлантирган ушбу баҳсда Усмонов + Ғуломов жуфтлиги 6/2 ҳисобида ғалаба қозонди ва «Ҳавас-98» республика мусобақасининг бош совринини қўлга киритдилар. Фурсатдан фойдаланиб, Мираброр Усмоновдан қуйидаги интервьюни олдик:

**— Мираброр ака, аввало, ғалабангиз билан табриклаймиз. Мана, мусобақа ҳам ниҳоясига етди. Шахсан Сиз «Ҳавас-98» республика теннис баҳслари хусусида нималар дея оласиз?**

— Бугун биргина менинг жуфтлигим эмас, балки барча қатнашчилар ғолиб бўлдилар. Чунки бундай катта ва қизиқарли мусобақада қатнашишнинг ўзи улкан ютуқдир. Бундан беш-олти йил илгари Ўзбекистонда теннис ҳозиргидек ривожланмаган эди. Юртбошимиз ташаббуси билан эндиликда у кун сайин кенг омма орасига тобора кириб бормоқда. Кўриб турганингиздек, профессионал теннисчиларимиз турли халқаро мусобақаларда муваффақият билан иштирок этишмоқда. Улар Девис кубоги учун бўлган баҳсларда Жанубий Корея ҳамда Хитой терма командаларини мағлуб этишди. Келажакда эса австралияликлар билан учрашади.

Қисқаси, ўз келажагини ўйлайдиган одам нафақат теннис билан, балки спортнинг бошқа турлари билан ҳам жиддий шуғулланиши керак. Чунки спорт саломатликни мустаҳкамлайди. Соғлом авлод эса мамлакатимизнинг қудратини оширади.

**— «Ҳавас» мусобақаларини келажакда вилоятларда ҳам ташкил этса яхши бўлар эди?..**

— Аслида, бизнинг ниятимиз ҳам шу. Мен мамлакат теннис федерацияси президентининг муовини сифатида ушбу масалани албатта мутахассисларимиз олдига қўяман.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Ҳавас-98» республика мусобақаси жудаям мафтункор, қизиқарли ўтди. Энг муҳими, теннис мамлакатимиз узра кенг қулоч ёймоқда. «Сателлит», «Челленжер», «Буюк Ипак йўли», «Президент кубоги» профессионал мусобақалари фикримизнинг яққол исботидир.

Мусобақанинг ёпилишига бағишланган тантанали маросимда республика Теннис федерациясининг раиси Рустам Иноятов барча иштирокчиларга муросасизлик билан, ҳалол ўйин учун, ғалабага бўлган ирода ва учрашувда кўрсатган мардлик учун миннатдорчилик билдирди.

Маросимда Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев иштирок этди.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**




«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 019, 35059 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 00.10 1 2 3 4 5 6